

ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ботиров Д.

Термиз давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16723286>

Ўрта Осиё минтақаси тарихининг энг қадимги даври тарихшунослик масалалари тадқиқ этилиши тарих фани олдида бир қатор муаммоли вазибаларини кун тартибига қўяди. Аввало, бронза ва илк темир даври минтақа халқлари тарихига оид ёзма манбаларнинг мавжуд эмаслиги, илк темир даврига доир Авеста китобининг Александр Македонский ҳамда Араб халифалиги истилоси даврида йўқ қилинганлиги бу борадаги изланишларни янада қийинлаштиради. Бу йўналишда тарихий-маданий ўлка тарихини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган археологик тадқиқотлар таҳлили муҳим ўрин ту тади. Археологик тадқиқотларнинг илк босқичида минтақанинг қадимги тарихий-маданий ўлкаларидан бири Суғдиёна ҳудудида катта майдонларда ястаниб ётган кўҳна шаҳарларнинг қўплаб харобалари асосий қазिशмалар объектига айланди.

Минтақанинг қадимги тарихий-маданий вилоятларидан бири Суғдиёна ҳудудида узоқ йиллар давомида изчил олиб борилган археологик қазिशмаларни таҳлил этиш асосида ушбу тадқиқотлар тарихини қуйидаги уч даврга ажратиш мумкин:

1. XIX асрнинг сўнгги чораги - XX асрнинг 20-йиллари.
2. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври археологик тадқиқотлари.
3. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги – XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлар.

XIX асрнинг сўнгги чораги-XX асрнинг 20-йиллари. Бу давр тадқиқотлари Ўрта Осиё ҳудудида Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мустақамланиши ҳамда иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан боғлиқ равишда, қолаверса, империяда қадимги давр ашё(антиквар)ларини йиғувчи-коллекционерларнинг Туркистон ўлкасидаги фаол хатти-ҳаракатлари жараёнларида кечди. Шу сабабли бу изланишларда асосан, рус шарқшунослари, шунингдек, айрим ҳарбий зобит ва амалдорлар “етакчилик” қилдилар. Қолаверса, бу жараёнда ёзма манбалар маълумотларига таянган шарқшуносларнинг фаолияти устунлик қилиб, улар қисман археологик тадқиқотлардан ҳам фойдаланганлар.

Суғдиёнада дастлабки қазिशмалар А.Б.Борзенков томонидан 1874 йилда Самарқанд шаҳри ҳудудидаги Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилди¹. 1883 йилда В.В.Крестовский Афросиёбда қазишма ишларини бошлаб юборди, бироқ, бу изланишлар кутилган натижалар бермаганлиги сабабли Империя Археология комиссияси томонидан тўхтатиб қўйилди².

Ўлка ҳудудида қадимий меъморчилик ёдгорликларининг улуғворлиги, юксак моддий ва маънавий ашёларнинг қўплаб учраши кенг миқёсли қазишма ишлари олиб бориш заруратини вужудга келтирди. Шу сабабли 1884 йилда Империя Археологик

¹ Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда в Советской историографии. Учебное пособие. В 3х частях. Ч.I. - Самарканд, 1992. – 37 с.; Ч.II. - Самарканд, 1993. - 42 с.; Ч.III. - Самарканд, 1994. - 86 с.

² Горшенина С.М. Первые опыты российских и французских археологов в русском Туркестане: методика исследований и судьба коллекций // Культурные ценности-1996. Библиотека Turkmenia. Международный ежегодник. - Санкт-Петербург, 1998. - С. 69-77.

комиссияси томонидан Афросиёб ёдгорлигида тизимли қазилмалар олиб бориш мақсадида Санктпетербург университети профессори, шарқшунос, қадимги қўрғонлар бўйича мутахассис Н.И.Веселовский Самарқанд шаҳрига илмий сафарга юборилди. Н.И.Веселовскийнинг Афросиёбдаги қазилмалари билан узоқ йиллик ва бой маълумотлар берган археологик фаолият бошланади. XX аср бошларига қадар шарқшунос раҳбарлигида олиб борилган қазилмалар Суғдиёнанинг қадимги тарихига доир дастлабки илмий ёндашувларни вужудга келтирди. Жумладан, 1885 йилда Н.И.Веселовский раҳбарлигида ёдгорликнинг дастлабки топографик харитаси тузиб чиқилди³. 1912 йилдан эса Афросиёб ёдгорлигидаги тадқиқотлар В.Л.Вяткин раҳбарлигида давом эттирилди.

Археологик қазилмаларнинг кенгайиб боришида 1895 йилда ташкил этилган⁴ ҳамда 1917 йилга қадар фаолият кўрсатган Туркистон Археология Ҳаваскорлари Тўғараги (ТАҲТ-ТКЛА) катта аҳамиятга эга бўлди. Тўғарак аъзолари фаолияти туфайли дастлабки археологик кузатув ва изланишлар Суғдиёнанинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширила бошланди. Жумладан, тўғарак ташаббуси билан 1912 йилда Л.А.Зимин томонидан Бухоро Суғдида жойлашган Пойкенд шаҳристонида қазилма ишлари бошланди, бу изланишлар натижасида Пойкенд арки ва ички шаҳар қисмининг дастлабки таҳлилий режаси тузиб чиқилди⁵. Шунингдек, Л.А.Зимин ва Н.Д.Ситняковскийнинг фаолиятлари туфайли Бухоро воҳасининг бош иншооти – Кампирдевол қолдиқлари аниқланди⁶.

Жанубий Суғд бу босқичда нисбатан кам ўрганилган ҳудуд ҳисобланади. Воҳада жойлашган археологик ёдгорликлар хусусида дастлаб рус зобити, ҳаваскор рассом, қадимшунос ва шарқшунос Б.Литвиновнинг кузатишлари натижасида 1908 йилда чоп этилган кичик хабарнома тарзидаги мақоласида маълумот келтирилади. Ушбу мақолада муаллиф Қарши шаҳри яқинида жойлашган, маҳаллий аҳоли томонидан Шулуктепа деб номланган тепалик воҳадаги энг йирик археологик ёдгорлик эканлигини таъкидлайди⁷. 1916 йилдан бошлаб ТАҲТ аъзоси И.А.Кастанъенинг воҳадаги археологик ёдгорликларни ўрганиш юзасидан фаолияти бошланди. У тадқиқотчилар орасида биринчилардан бўлиб антик давр асарларида тилга олинган жой номлари ҳақидаги маълумотларни воҳа ҳудудидаги ёдгорликлар билан солиштириш асосида хулосалар чиқаришга ҳаракат қилди. Шундан келиб чиқиб, И.А.Кастанъе илк бор антик давр манбаларида тилга олинган Наутака замонавий Қарши шаҳри яқинида жойлашганлигини таъкидлаб ўтди⁸.

Шунингдек, тўғаракнинг яна бир аъзоси Л.А.Зимин ҳам воҳада бир қатор изланишларни амалга оширди. 1916 йилнинг баҳорида Шулуктепа ёдгорлигида

³ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. - Ташкент: Фан, 1969. Вып. I. - С. 3-121.

⁴ Открытие Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабря 1985 года. - Ташкент: Типо-литография бр.Порцевых, 1895. - С.13.

⁵ Зимин Л.А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью. Протокол ТКЛА(ниже ПТКЛА) № XX. - Т., 1916. Вып. II. - С. 97-98.

⁶ Ситняковский Н.Ф. Записки о Бухарской части долины Зерафшана. ИТОРГО. II. - Т.,1900.; Зимин Л.А. Отчет о двух поездках по Бухаре. ПТКЛА № XX. - Т., 1916. Вып. II.

⁷ Литвинов Б. Заметки о Карши. Братская помощь. Иллюстрированный военно-общественный журнал. - Ташкент, 1908. - С. 84.

⁸ Кастанъе И.А. Археологическая разведка в западных частях Бухары // ПТКЛА. - Т.,1917. Вып 4. - С. 26-30.

изланишлар олиб борган Л.А.Зимин Қуйи Қашқадарёдаги араб босқинига қадар энг йирик бўлган Нахшаб ҳамда ўрта асрлар даври Насаф шаҳри айнан ушбу ёдгорлик ўрнида бўлганлигини ҳамда ёдгорлик Шуллуктепа номи остида XVIII аср адабиётларида илк бора тилга олиншини қайд этди⁹. Россия империясида бошланиб кетган ўзаро фуқаролик уруши ҳамда кескин сиёсий вазият туфайли ўлкадаги археологик изланишлар деярли тўхтаб қолди. Бироқ, ушбу кузатув ва изланишлар Суғднинг қадимги ҳамда илк ўрта асрлар даври тарихига доир кейинги тадқиқотларда катта аҳамиятга эга бўлди.



⁹ Зимин Л.И. Краткий отчет о поездке по Бухаре в 1916 г. // ПТКЛА. - Т., 1916. Вып. 3. - С. 103-104.